

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Т.Н. ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА  
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

---

---

## ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕДАГОГИКА ФАНИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман

МАТЕРИАЛЛАРИ

---

---

*Боғеуршодба Г*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**Т.Н. ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА  
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕДАГОГИКА ФАНИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман

### **МАТЕРИАЛЛАРИ**

*(Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий  
тадқиқот институти ташкил этилганлигининг  
90 йиллигига базишиланган)*

**Тошкент – 2019**

## **ТАХРИР ҲАЙЪАТИ**

1. Р.Х. Джураев – педагогика фанлари доктори, академик
2. Н.И. Тайлаков – педагогика фанлари доктори, профессор
3. А.Х. Махмудов – педагогика фанлари доктори
4. Ф.И. Юсупова – илмий ҳодим
5. Х.М. Тожибоева – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
6. Ф.И. Очилов – таянч докторант

Педагогика фанлари доктори, профессор Р.Г.Сафарованинг умумий таҳрири остида.

Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти Илмий кенгаши қарори (22.02.2019 №1) билан нашрга тавсия этйлган.

Барча алломалар ўзларининг таълимий-ахлоқий асарларида бир томондан, илмий-назарий таълимотларини илгари сурсалар, иккинчи томондан, мазкур илмий ғояларни амалиётга татбик этиш йўлларини ҳам кўрсатиб ўтганлар. Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадгу билиг», Кайковуснинг «Қобуснома», Ахмад Юғнакийнинг «Хибат-ул-ҳақоқий», Саъдийнинг «Гулистон», Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-кулуб», Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний», Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ» ва бошқа дидактик асарлар шулар жумласидандир.

Педагогик таълимнинг нуфузи педагогика назарияси ва тарихидан яратилаётган илмий тадқикотларга ҳам борлик. Биз юқорида фикр юритган барча муаммоларга дсир оригинал тадқикотлар олиб бориши зарурати кўп йиллар аввал долзарблек касб этиб ултурган.

Хулоса қилиб айтганда, мақолада педагогик таълимнинг баъзи муаммолари ҳакида фикр юритилди, холос. Уни такомиллаштириш, педагогик таълим тизимидағи кадрлар салоҳиятини тубдан оптималлаштириш, жамиятнинг барқарор ривожланиши асосида жаҳон таълим мухити ғояларига мувофик узлуксиз педагогик таълим тизимини яратиш, давр талаби асосида модернизациялаш, ҳозирги даврда педагог олимлар олдида турган мухим вазифалардан ҳисобланади.



## **БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЎВУВ ВАЗИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Н. Тошева,  
БДУ катта ўқитувчиси**

Ўқув вазиятларида ўқувчиларнинг ривожлантиришда бир қатор принципларга амал қилинади. Жумладан, муаммолилик, ўзаро мос тарзда ўқувчиларнинг имкониятларини максимал тарзда таъминлаш, ўзаро ҳамжиҳатликда ўқитиши, индивидуаллаштириш, ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқаришининг ўзига хос механизми ҳисобланган мустақил ўқиши принциплари. Муайян ўқув вазиятларида ўқувчиларнинг билиш фаслиятларини ривожлантиришга хизмат қиладиган принциплар ўқитиши методлари каби, ўқув вазиятининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқсан ҳолда ташланиши лозим. Муайян принциплар ва методлар ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини ривожлантирувчи билиш майлари ва йўналтирувчи кучларни намоён қилишда мухим адамиятга эга. Маълумки, маетикий ва ҳисоблашга оид топшириқларни мустақил ечиш методидан фойдаланиш жараёнида барча ўқувчилар топширилган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда мантиқий ҳамда ҳисоблашга оид топшириқларни намунага қараб ёки ижодий тарзда ечадилар.

Кўргазмали методлар қисман изланувчаликни таъминлаш характерига эга бўлади. Мазкур методдан фойдаланиш жараёнида ўқитувчи синфдаги ўқувчилар ишига раҳбарлик қилади. Ўқувчиларнинг ишларини шу тарзда ташкил этиши натижасида улар топшириқларнинг бир қисмини ўзлари мустақил излаб топган ҳолда бажарадилар.

Амалий методлар ҳам қисман изланувчалик ва кўргазмалик характерига эга. Бундай вазиятда ўқувчилар муаммоли топшириқларни ечиб, билимларни қисман мустақил изланниш йўли билан эгаллайдилар. Улар ўз тажрибаларини ҳар томонлама мухокама қилиш орқали ҳам янги ахборотларни ўзлаштирадилар.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари таркиби куйидагиларни ўзида мужассамлаштиради: билиш фаолиятининг алоҳида кўринишлари ўзаро боғланганлиги; муайян даражадаги уйғунашган ўқув ҳаракатларининг бажарилиши, билиш фаолиятини яхлит тарзда бажариш имконини бериши; ўқув операциялари ҳаракатларни бажариш усули эканлиги кабилар.

Ўқувчиларни умумлашган кўнимкамаларни эгаллашга тайёрлашнинг мухим таркибий қисми – уларда хусусий характердаги ўқув-билув кўнимкамаларини шакллантиришдан иборатdir. Мазкур ёндашувдан келиб чиқсан ҳолда умумлашган билиш кўнимкамаларини шакллантиришни куйидаги босқичларда амалга оширидик:

1. Ўқувчиларда хусусий кўнимма ва малакаларнинг шаклланиши, жумладан, сўзлардан ўз ўрнида фойдалана олиш, сўзлардан гаплар, гаплардан матн тузиш, тез ўқиши, ифодали ўқиши каби.
2. Ўқувчиларни фаолиятнинг илмий асослари билан таништириш.
3. Ўқувчиларни фаолиятнинг таркиби билан таништириш.
4. Ўқувчилар ўқув вазиятларида бажарадиган ўқув ҳаракатлари ва операциялари изчилигини мустақил тарзда ачиқлашлари.
5. Ўқувчиларда ўз билиш фаолиятларини мустақил таҳлил қила олиш кўнимасининг шаклланиши.

Ўқув вазиятларини муайян типларга ажратишда асос бўладиган ҳолат ўқув топшириқларининг турлари ва мураккаблик даражасидир. Жумладан:

1. Ҳосил бўлиш даражасига кўра: фаол ва пассив ўкув вазиятлари.
2. Давомийлигига кўра: жадал тарзда амалга ошувчи ва узок муддат давом этадиган ўкув вазиятлари.

3. Ўкув вазияти иштирокчилари: ўкувчилар ва ўқитувчилар.

4. Ўкув вазиятидаги ўзаро алоқадорлик шакллари: ҳамкорлик ўкув вазиятидаги ўзаро алоқанинг шундай турики, бунда бир шахс иккинчисининг ҳолатини пайкай слади ва унга бўлган салбий муносабатларини ўзгартиради. Унинг ҳаракатларини қабул қилиб, кўйилган вазифаларни муваффакиятли ечиш учун уни ривожлантиради. Ҳамкорлик асосида шерикларнинг ўзаро ёрдами бир-бирларининг муваффакиятлари учун ғамхўрлик қилиш кўникмаси намоён бўлади.

5. Ўкув вазиятида қабул қилинган қарорларнинг характеристи: а) ўкув вазиятлари тезкор қарорлар қабул қилишни талаб этади, бу ўқитувчининг кундалик педагогик фаолияти билан боғлиқдир. Бунга қўйидагиларни мужассамлаштириш мумкин: ўкувчилар бажарадиган муайян ҳаракатларнинг максад ва вазифаларини аниглаш, унинг натижаларини олдиндан тасаввур кила олиш; ўкувчилар шахсининг ўзига хос ҳусусиятларини хисобга олиш; ўкув вазияти максадига эришиш учун кулай воситалар, усул ва методларни ташкил кабилар.

Ўкув вазиятини қандай шаклда ташкил этиш ўқитувчига ҳам боғлик. Шундай ўкув вазиятлари сирасига қўйидагиларни киритиш мумкин: ўкувчиларни йўналтирувчи ўкув вазиятлари; танловга асосланган ўкув вазиятлари; ўкувчиларнинг муваффакиятларини таъминловчи ўкув вазиятлари; зиддиятли ўкув вазиятлари; муаммоли ўкув вазиятлари, муаммоли ўкув топширикларини ечишга йўналтирилган ўкув вазиятлари; танкид ва ўз-ўзини танкидга оид ўкув вазиятлари; ёрдам ва ўзаро ёрдам ўкув вазиятлари; ўз-ўзини баҳолаш ўкув вазиятлари; мулоқот вазияти; ўкув иши ва мулоқотга жадал кириши ўкув вазияти; рақобатлашиш ва ўзаро мусобақалашини ўкув вазияти; ўйинга асосланган ўкув вазиятлари, масъулиятли қарорлар қабул қилиш ўкув вазияти; фаолиятнинг янги усусларини ўзлаштириш вазияти.

Демак, ўкув вазиятларини тўғри ташкил қилиш ўкувчиларининг билиш фаолиятларини самарарадорлигини белгилаб беради. Ушбу кўрсаткичларнинг барчasi ўкувчилар билиш фаолиятларининг ривожланишига муайян даражада таъсир кўрсатади, унинг ўкув жараёни ва атрофдагиларга бўлган муносабагини ҳам белгилайди.



## **БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ**

**М.А. Тошхўжаева,**

**Андижон вилояти Булокбоши тумани 11-СМИ бошлангич синф ўқитувчиси**

Бошлангич таълимда математика таълими ўкувчиларнинг мантиқий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга, ўз фикрларини мустакил баён қила олиш, эгаллаган билимларини ижтимоий фаолиятларига кўллаш ҳамда таълимнинг иккинчи босқичида ўқишини давом эттириш учун математик тайёргарликни таъминлашга хизмат қиласи.

Математика болаларда тафаккур, дикқат, хотира, ижодий тафаккур этиши ва кузатувчанликни ривожлантиришга хизмат қиласи. Шунингдек, математика ўкувчининг мантиқий фикрлаш малакаларини ошириши, унинг ўз фикрини аник, тўғри ва тушунарли баён этиши учун замин ҳозирлайди. Ўқитувчининг вазифаси -- болага математикани ўқитишида бу имкониятлардан самарали фойдалана олишдир.<sup>1</sup>

Бошлангич синфларда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб ташкил этилган ҳар бир дарс ўкувчиларни дартурда белгиланган ДТС талабларини пухта ўзлаштиришларини таъминлашга ва уларни мавзу бўйича тўлиқ билим олишларига имконият яратади. Ўқитишида замонавий педагогик технологиялар, авваламбор, қўйидаги мақсадларни ўз ичига олади: - ўкувчиларнинг шахсий интеллектуал ва маънавий жиҳатдан юқори даражада ривожланишларини таъминлаш; - ўкувчиларнинг билимларни эгаллаши ва шунга мос тарзда фикрлашини ривожлантириш каби.

Замонавий педагогик технологиялар асосида дарсларни ташкил этишида асосий эътибор ўкувчиларнинг мустакил фикрлаши ва ўз фикрини тўла баён қилиб беришига қаратилади. Шундай замонавий педагогик технологиялар сифатида интерфаол методларни келтириш мумкин.

<sup>1</sup> Узвийлаштирилган ўкув дастури. – Т.: 2010 йил.

	гуманитар фанларни ўқитиши самарадорлигини таъминлаш	
<b>Тожибоева Х.М.</b>	Замонавий авлод маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланишига	255
	“Оммавий маданият”нинг таъсири	
<b>Толипов Ў.Қ., Сайдалиева Ф.У.</b>	Педагогиканинг ривожланиш тенденциялари ва муаммолари	256
<b>Тошева Н.</b>	Бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятларини самарали ташкил этишда ўувув вазияларининг аҳамияти	258
<b>Тошхўжаева М.А.</b>	Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиши самарадорлиги	259
<b>Тугалов Р., Аминов И.Б.</b>	Таълим жараёни сифатини таъминлашда инновацион технологиялардан фойдаланиш	260
<b>Туйчиева И.И.</b>	Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг фикрлари фаолигини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари	262
<b>Тургунова Ш.Т., Маъмурова Ф.Н.</b>	Использование инновационных методов в образовании	263
<b>Турдиева Ш.</b>	Таълим жараённида илғор педагогик технологияларни кўллаш	265
<b>Турсунов Д.</b>	Фоявий-мағкуравий компетентликни ривожлантиришда педагогик профилактикадан фойдаланиш	266
<b>Турғунов С.Т., Хакимова Д.М.</b>	Ўқувчиларда рефлексив кўникмаларни шакллантириш жараёнларини бошқаришга нисбатан инновацион ёндашувлар	267
<b>Тўхтабоева О.Р.</b>	Бошланғич таълим жараёни самарадорлигини таъминловчи дидактик шакллар	268
<b>Умаралиева М.А.</b>	Ҳамкорлик педагогикаси асосида умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш йўллари	270
<b>Умаралиева М.Т., Абдураҳмонова И.Ю.</b>	Таксономик ёндашувга асосланган ўқув тспицирклари ўқувчиларда компиегенцияларни шакллантириш воситаси сифатида	271
<b>Умаров М.М., Сапаров Т.А.</b>	Мактабгача таълим тизимини инновацион ривожлантириш истиқболлари	273
<b>Умаров С.Б.</b>	Ўзбекистон республикаси педагогика тарихи илмининг юзага келиши, мақсади ва вазифалари	274
<b>Усмонбоева М.Х., Эҳсонова Ф.</b>	Педагогик креативлик моҳияти	276
<b>Усмонова М.Б.</b>	Бадиий образлар воситасида юқори синф ўқувчиларида миллий характерга хос иродавий хусусиятларни ривожлантириш	278
<b>Усмонқулов Ш.У., Ерматова Н.Н.</b>	Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш жараёни мониторинги	280
<b>Утемуратов Б.К.</b>	Болалар нутқини ривожлантиришда ахборот-комуникацион технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти	282
<b>Хайтова З.</b>	Инновацион таълим воситасида ўқувчилар билиш жараёнларини фаоллаштириш	283
<b>Холбекова О.Б.</b>	Бошланғич таълим жараёни самарадорлигини таъминловчи инновацион технологиялар	285
<b>Холматов П.Қ., Исаҳаджаева Н.</b>	Модулли ўқитиши дастурларини тузишда таяниладиган принциплар	286
<b>Хошимова Д.Р.</b>	Талабаларда инглиз тилидаги ҳиссий-экспрессив нутқни мнемоник база асосида тезкор ўстириш	287